

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**352** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 12 июлдаги 204-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги янгиланган низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

3. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 12 июлдаги 204-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

тини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 70-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда) илованинг 48-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 26 август,  
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 26 августдаги 244-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар  
таълими маркази тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасидаги давлат бошқаруви органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Марказ тизимига ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Идоравий метрология назорати хизмати, шунингдек Марказга қарашли академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари киради.

Ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари икки томонлама бўйсунишда бўлади ва Марказга ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисоб берадилар.

Ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари бошлиқлари

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан Марказ директори томонидан лавозимга тайинландилар.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ ўз фаолиятини давлат бошқа органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказнинг ва ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаларининг моддий-техника таъминоти, шунингдек Марказ тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Марказга ажратиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Марказ, ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда Марказ тасарруфидаги бошқа ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## II. Марказнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида кенг кўламли чуқур билимларга эга бўлган, ҳозирги бозор шароитларида муайян касб-хунарни, кенг ихтисослашувни ва иш кўникмаларини эгаллаган ёшларни тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида узлуксиз таълимнинг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларини рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб катта бўлган мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишга, таълим ва ихтисосликлар йўналишларини янада бирхиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, республика минтақаларида кадрларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежларини қайта ихтисослаштиришга йўналтирилган фаолиятини мувофиқлаштириш;

халқ таълими органлари билан биргаликда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касбга йўналтириш ҳамда келгусида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш, янги ўқув йили учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш режасини шакллантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

мутахассисларнинг билим даражасини ва касбий тайёргарлиги сифатини оширишга йўналтирилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари

ва дастурларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ўқув ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши ва нашр қилинишини ташкил этиш;

касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун юқори малакали раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ҳамда улар билан таъминлаш, уларнинг малакасини, касб даражасини узлуксиз ошириш ва уларнинг меҳнати-ни рағбатлантириш ишларини тизимли асосда таъминлаш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқув жараёнига илғор ўқитиш шакллари, шунингдек ўқувчиларни миллий мустақиллик ғоялари, бой интеллектуал мерос ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва методларини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни замонавий ўқув-лаборатория анжомлари ва ахборот-компьютер техникаси билан жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

касб-хунар коллежлари битирувчиларининг аниқ иш жойларида ишлаб чиқариш амалиётини ўташининг ва уларни ишга жойлаштиришнинг ташкил этилишини таъминлаш, битирувчиларнинг иш билан банд этилиши мониторингини амалга ошириш.

8. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши мониторингини амалга оширади;

ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг илмий асосланган прогнозларини ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир касб-хунар коллежи бўйича уларни тайёрлаш, касблар ва ихтисосликлар йўналишлари рўйхатини хатловдан ўтказиши ва танқидий ўрганади;

таълим ва мутахассисликлар йўналишларини янада бирхиллаштириш, мутахассислар тайёрлашнинг тор ихтисослилигини бартараф этиш, кадрларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежларини қайта ихтисослаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва киритади;

ўқувчиларни иқтисодиёт тармоқларида талаб катта бўлган таълим йўналишлари ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби ва сон кўрсаткичлари тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

халқ таълими органлари билан биргаликда касбларни танлаш ва 9-синфлар битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш, иқтидорли ёшларни акаде-

мик лицейлар ва касб-хунар коллежларига танлаб олиш бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касбга йўналтиришга доир тизимли ишларни таъминлайди;

давлат таълим стандартини жорий этиш ва такомиллаштиришни, мутахассислар тайёрлашни, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув режалари ва дастурлари йўналишлари бўйича тармоқ таълим стандартларини ишлаб чиқишни ташкил этишни таъминлайди;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш ва нашр этиш чора-тадбирларини кўради;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг педагоглар жамоаларини ўқув-методик материаллар ва дарсликларни, ўқитишнинг замонавий шакл ва методларини, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга истиқболли ёндашувларни ишлаб чиқишга кенг жалб этишни таъминлайди;

Марказ тасарруфидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларини танлов бўйича танлашни ташкил қилади, келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг барча педагог ходимларини, ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда унинг натижалари бўйича ходимларга тегишли малака тоифаларини белгилайди;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг педагог ва педагог-муҳандис кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганади ҳамда уларни кадрлар билан таъминлайди;

камол топаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий мустақиллик ғояларига, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга, халқ урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларга асосланган самарали ташкилий ҳамда педагогик шакл ва воситаларини жорий этади, ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялашнинг устуворлигини таъминлайди;

касб-хунар коллежларида таълим жараёнини ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар билан интеграциялашни чуқурлаштириш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқади ва жорий этади;

ўрта махсус, касб-хунар таълимини такомиллаштириш муаммолари бўйича кенгашлар, симпозиумлар, семинарлар, ўқув-методик конференциялар, танловлар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил қилади;

манфаатдор давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан касаба уюшмалари билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ва ходимларининг соғлигини ҳамда ўқиш ва меҳнат қилиши учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

педагог ходимларни рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди. Ўрта махсус, касб-хунар

таълими тизимининг педагог ходимларини давлат мукофотларига тақдим этади;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ёшларнинг илмий-техника ижодкорлигини ривожлантиради ва унинг самарадорлигини оширади; етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалардан иборат бўлган ўқувчиларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритишда васийлик ва ҳомийлик органларига методик ёрдам кўрсатади ва кўмаклашади;

манфаатдор давлат органлари иштирокида девиант хулқ-атворли, жисмоний ва ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган ўсмирлар билан уларнинг таълим олиши, ривожланишидаги нуқсонини тузатиш ва ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил қилади;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини таъминлайди;

мамлакатимиз ва хорижий молия ташкилотларининг кредитлари, қарзлари ва грантлари маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини жиҳозлашга бўлган норматив талабларни ишлаб чиқади, Марказ тизимидаги муассасалар ва ташкилотларда моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлайди;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг турлари ва йўналишларини белгилайди, уларни минтақаларнинг географик, демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштиришни таъминлайди;

академик лицейларни лойиҳалаш ва қуришда бош буюртмачи бўлади, касб-хунар коллежларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилишга методик раҳбарликни ва техникавий кўмаклашишни амалга оширади;

ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини олиб боради;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битирувчиларни тайёрлаш даражаси, уларнинг ишга жойлаштирилиши ёки олий таълим муассасаларига ўқишга кириши бўйича ҳар йил яқунларига кўра, очиқлик ва ошқоралик шароитларида рейтинг баҳолашнинг амалга оширилишини таъминлайди;

ўқувчиларни яқуний давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

касб-хунар коллежлари ва ташкилотларда (иш берувчиларда) ўқувчиларнинг сифатли ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиши, шунингдек битирувчиларни танланган касблар бўйича келгусида самарали ишга жойлаштириш учун улар ўртасида шартномалар тузишга доимий ёрдам беради, битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

9. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шу-

нингдек ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда Марказга қарашли бошқа ташкилотлар орқали ҳал қилади.

### III. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли вазирликлар ва идоралардан, Марказнинг ҳудудий бўлинмаларидан статистика маълумотларини ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш прогноз кўрсаткичларини олиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълимининг айрим масалаларини ҳал этиш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ишини такомиллаштириш, уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрлар тайёрлаш, давлат таълим муассасалари ходимлари ва ўқувчиларнинг белгиланган ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

бўйсунушидан қатъи назар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари томонидан «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ўрта махсус, касб-хунар таълими масалалари бўйича бошқа қонун ҳужжатлари бажарилишини белгиланган тартибда текшириш;

кадрлар тайёрлашни таълим стандартлари, ўқув режалари дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари мазмунини такомиллаштириш бўйича педагогика фани ютуқлари ва илғор тажриба асосида тавсиялар ишлаб чиқиш учун Илмий-методик кенгаш ташкил этиш, Илмий-методик кенгаш таркибини ва унинг тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш юзасидан хулосалар бериш;

хорижий инвестициялар ҳисобига сотиб олинadиган ўқув-лаборатория жиҳозлари қабул қилиниши ва етказиб берилишини таъминлаш;

базавий олий таълим муассасалари томонидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун малакали педагоглар ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришда ва унга методик раҳбарлик қилишда қатнашиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Марказ ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажариш мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлидир.

Марказ, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

12. Марказ ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада бажарилиши учун жавоб беради.

#### IV. Марказ фаолиятини ташкил этиш

13. Марказга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари — директор бошчилик қилади.

Директорнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосарлари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

14. Директор:

Марказ фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Марказ тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Марказ фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлиги ҳамда тасарруфидаги органлар ва муассасалар ишлари учун жавобгарлик даражасини белгилайди;

Марказ тизими ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

зарурат бўлганда, Марказнинг марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида штатлар жадвалини ва Марказнинг марказий аппарати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда Марказ тасарруфидаги бошқа ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Марказнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Марказ тизимига кирувчи, унинг тасарруфидаги бошқа ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Марказнинг марказий аппарати ходимларини, ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, Марказ тизимига кирувчи, унинг тасарруфидаги бошқа ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Марказда директор (хайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимга кўра), шунингдек Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда хайъат ташкил этилади.

Хайъатнинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Марказ директорининг

тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Хайъат қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

Марказ фаолиятининг ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида кенг қўламли чуқур билимларга эга бўлган, ҳозирги бозор шароитларида муайян касб-хунарни ва иш кўникмаларини эгаллаган ёшларни тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида узлуксиз таълимнинг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларини рўёбга чиқариш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш бўйича ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустақамлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Марказ раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

Хайъат Марказ ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Хайъат мажлисига Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Хайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Хайъат қарорлари директорнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Директор ва хайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда директор пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Хайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

Хайъат фаолияти тартиби унинг хайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

16. Марказнинг ҳудудий бошқармалари ва тасарруфидаги бошқа ташкилотлар ўз фаолиятини Марказ томонидан тасдиқланган низомларга (уставларга) мувофиқ амалга оширади.

17. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.